O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 16-dekabr • Seshanba • 147 (27.952) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Жорий йилда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди.

Йил охиригача яна шундай 52 та кўп қаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланади. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди.

ТЕЖАМЛИ ВА АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБЛИ

2004 йилдан буён фаолият юритаётган «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси электр энергияси сарфини ҳисоблайдиган турли хил ва ўлчамдаги бир фазали ва уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар хонадонлар ва ташкилотлар учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан ажралиб туради.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, аввало, сифатига катта эътибор қаратяпмиз, — дейди корхонанинг савдо ва ишлаб чиқариш бўйича директори Ойбек Дўстмуҳамедов. — Илгари замонавий электрон ҳисоблагичлар фақат четдан келтирилар эди. Бу турдаги маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани катта ҳажмдаги вақтни ва валютани тежаш имконини бермоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, қўшма корхонада электр энергияси сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилган. «Аскуэ» деб номланган ушбу янги тизимни жорий этишнинг афзал жиҳати шундаки, у электр энергияни тежаш имконини беради. Шунингдек, истеъмолчининг сарф қилинган электр энергияси учун ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришини таъминлайди. «Аскуэ» тизимини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жорий этиш режалаштирилмоқда.

Маҳсулотларига талаб катта бўлганлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. 2007 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз фоиз ошди. Қўшма корхона кунига икки минг дона электрон ҳисоблагич ишлаб чиқариш қувватига эга.

Суратда: *(чапдан) операторлар А.Ким ва Ж.Алламуродов.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

✓ **Муносабат**

КЎНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказиладиган тантанада келаётган йилга ном бериш ва мамлакатимизнинг келгуси устувор вазифаларини белгилаб олиш ўзига хос анъанага айланди. Шунга мувофиқ Президентимиз томонидан 2009 йил — **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб эълон қилиниши бутун халқимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Ахир, қишлоқ ривожланса, юрт тараққий этади, қишлоқ бой бўлса, эл бой бўлади, қишлоқда маданият юксалса, мамлакатда маданият юксалади, қишлоқ обод бўлса, жонажон Ўзбекистонимиз фаровон бўлади. Маърузада таъкидлаганидек, бу мақсадлар йўлида қишлоқ аҳли манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади.

Юртбошимизнинг қишлоқларимиз тараққиётига ва инфратузилмасининг ривожланишига, маданий ҳаётнинг юксалишига эътибор қаратиши қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бундан нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун жамоатчилигимиз мамнун. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, саноат-қурилиш соҳаси ходимлари, тадбиркорлар, қўйингки, барча-барчамиз қишлоқларимиз янада обод бўлишига қатъий ишонч билан қарамоқдамиз.

Муродулла НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ЭЗГУ НИЯТЛАР

Телевизорда Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишланган кўрсатувни кузатар эканман, Президентимиз яқинлашиб келаётган янги йилни **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб эълон қилишни таклиф этганида ҳаяжонланиб кетдим. Кейин беихтиёр «Давлат — бош ислоҳотчи» тамойилини эсга олдим. Мана, Давлат бош ислоҳотчи сифатида қишлоқларимизни янада обод ва фаровон бўлишини асосий масала сифатида кун тартибига қўйди. Энди қишлоқларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами янада кенгаядиган бўлди.

Бизнинг маҳаллада ҳам юздан зиёд оила истиқомат қилади. Ҳозир қишлоғимизда замонавий мактаб, болалар боғчаси ишлаб турибди. Ўзимизнинг чойхонамиз, тегирмонимиз, радио-телевизор устахонамиз бор.

Мамлакатимиз раҳбари маърузасида қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналари барпо этиш шу куннинг энг муҳим вазифаси сифатида белгиланган. Бунинг учун бизда барча имконият бор. Туманимизнинг биз яшайдиган ҳудудида энг сархил мевалар етиштирилади. Уста боғбонларимиз бу ишнинг ҳадисини олишган. Шундан келиб чиқиб, қишлоғимизда мевани қайта ишловчи кичик корхона қуриш мумкин, деб ўйлайман. Ана шунда хонадондардаги мева-чевани қайта ишлаш имкони туғилади. Муҳими, ёшлар иш билан таъминланади. ЎзХДПдан сайланган туман кенгаши депутати сифатида шундай цехлар қуриш орзусида, ҳаракатида юрибмиз. Шунингдек, маҳалламиздаги ўндан ортиқ фермерларимизнинг бошини қовуштириб, қишлоқ йўлларини қайтадан таъмирлашни, ёшларимиз учун маданий-маърифий марказ қуришни ҳам режалаштирганмиз.

Амин САТТОРОВ,
Жомбой туманидаги Аҳмаджон Қурбонов номли маҳалла оқсоқоли, ЎзХДП аъзоси

❖ **Фракция фаолияти**

ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

қонун такомиллашувига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси юзасидан сўзга чиққан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Сурайё Аҳмедованинг таъкидлашича, қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги масалаларга дахлдор бўлган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар, «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Олий Мажлис Қарори, Солиқ кодекси таҳлил қилинди ва юқоридаги қонун лойиҳаси билан уларга тегишли тузатиш ва ўзгартишлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун ҳужжатлари матнидаги атамалар ва таърифларни бирхиллаштириш, жумладан «бошқарувчи компаниялар», «профессионал бошқарувчи компаниялари» атамасини «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари» таъбири билан алмаштириш ҳамда «инвестиция институтлари» атамасини «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари» таъбири билан алмаштириш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон ХДП депутатлари Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Лойиҳа юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Гулом Сафаровнинг маърузаси тингланди.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган. Қонуннинг мақсади баҳолаш фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг савияси ва сифатини ошириш, ўтказилган баҳолаш ишлари натижалари бўйича баҳоловчи ташкилотларнинг масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Йиғилишда иккинчи ўқишда киритилаётган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўйича Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Рашид Ҳаитов сўзга чиқди.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Солиев маъруза қилди. Таъкидландики, биринчи, иккинчи ўқишлардан сўнг ушбу лойиҳа устида жиддий иш олиб борилди. Депутатлар, мутахассислар, тегишли ташкилотлар вакиллари, хусусан Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан билдирилган фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

Қорақалпоғистон республика партия кенгашида бўлиб ўтган «Жамият ривожланишида сиёсий партиялар, хусусан Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва вазифалари» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда республика партия кенгаши аъзолари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, Жўқорғи Кенгес депутатлари ва фаоллар иштирок этди.

ЖАМИЯТ РИВОЖИДАН БАРЧА МАНФААТДОР

Шунинг учун ҳам бу борада турли ғоялар илгари сурилади, таклифлар ўртага ташланади, сиёсий кучлар ўртасида кураш боради

Жамият ривожи йўлида партиямиз илгари сурган дастурий мақсадлар турмушимизни яхшилашга хизмат қилади, дея таъкидланди семинарда. Қуйи ташкилотларимиз, депутатларимиз, фаолларимиз фуқароларга уни тушунтириш ва амалга татбиқ этиш учун давра суҳбатлари, йиғилиш ва семинарлар уюштириб келмоқда. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, жамиятда ЎзХДП обрў-эътиборини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

2-бет >

✓ **ЎзХДП: электорат манфаати**

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Мамлакатимизда ногиронлар соғлиғини тиклаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, касб-ҳунар ўргатиш масаласига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида, бугун нисбатан янги тизим ҳисобланадиган ногиронларни реабилитация қилишда жаҳон тажрибаси ўрганилмоқда.

Бундан икки-уч йилча олдин республикамиздаги 2 та ногиронларни реабилитация қилиш маркази бирлаштирилиб, янги марказ ташкил этилди. Аҳвол ижобий томонга ўзгарди.

Одатдаги иш куни эмасми, қабулхонада одам кўп. Сал ўтмай бошлиқ хонасидан шод-хуррам бир йигит бир қиз билан чиқиб келишди.

— Албатта, бораман, — директор хайрлаша туриб йигитнинг елкасига қоқиб қўйди. — Мен учун сизни шундай кўришдан ортиқ бахт йўқ...

Бу икки ёш директорни никоҳ тўйига таклиф қилиб келишган экан. Улар шу ерда компьютерда дастурлаш касбини ўрганиб, ҳозир банкка ишга жойлашишибди.

Қабулхонада ўтирганларнинг юзларида самимий табассум пайдо бўлди.

— Ўтган йиллар давомида соҳада ечимини кутаётган айрим масалалар йиғилиб қолган эди, — дейди Марказ директори Турсунмурод Эшиев. — Ҳукуматимиз томонидан муаммолар чуқур ўрганиб чиқилди ва 2006 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мавжуд ногиронларни Реабилитация қилиш ва касбга йўналтириш илмий маркази билан Таянч ҳаракати аъзолари ногиронларини реабилитация қилиш республика маркази бирлаштирилди. Шундан сўнг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ташкил топди. Бундан кўзланган асосий мақсад — соҳадаги илмий, амалий тажрибаларни мувофиқлаштириш, бошқарув аппаратини ихчамлаштириш, ногиронларни психологик реабилитация қилиш, уларни оила ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш сингари йўналишларни яхлитлаштиришдан иборат.

2-бет >

БУГУНГИ СОНДА:

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида қувончга шерик бўлиш осон... 2

Туркманистонда парламент сайлови 3

Бўлғуси муаллимлар масканида ўтган самимий мулоқот Ватан, мустақиллик, унинг қадр-қиммати, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ҳамхўрликка бағишланди 4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 16 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	925,70	1 Исландия кронаси	11,89	1 Швейцария франки	1182,25
1 Англия фунт стерлинги	2081,50	1 Канада доллари	1118,96	1 Евро	1865,50
1 Дания кронаси	250,52	1 Хитой юани	202,12	10 Жанубий Корея вони	10,24
1 БАА дирхами	376,77	1 Малайзия рингги	388,90	10 Япония иенаси	152,24
1 АҚШ доллари	383,70	1 Польша злотийси	475,96	1 Россия рубли	49,76
1 Миср фунти	251,35	1 СДР	2099,03	1 Украина гривнаси	184,82
		1 Туркия лираси	890,99		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

INTER PRESS
INTER-PRESS ОБУНА
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

✓ ЎзХДП: электорат манфаати

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Маълумки, миллий марказга республикамизнинг турли бурчакларидан келган ногиронлар мурожаат қилишади. Шуни айтиш керакки, улар одатдаги оғир хасталикка чалинган касаллардан тубдан фарқ қилади. Баъзи бир одамлар, ҳатто мутахассислар ҳам бемор билан ногиронинг жисмоний имкониятларини, психологик ҳолатини бир хил мезонларда ўлчайди. Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, шифокор беморни даволайди, ҳадемай тузалиб кетишига ишонтиради, яъни бундай вазиятда тиббий муолажалар бош омил бўлиб хизмат қилади. Ногиронларни реаблитация қилиш эса шифокордан энг аввало сабр-тоқат ва фидойиликни талаб этади.

Марказ асосан 7 та — терапия, асаб касалликлари, умуртқа поғонаси паталогияси, болалар ортопедияси, бирламчи ва мураккаб протезлаш бўлимлардан иборат. Шунингдек, миллий марказ қошида 2 та хўжалик ҳисобидаги бўлим ташкил этилган. Ундан тушган маблағ эса марказ бўлимларини таъмирлаш, тиббий жиҳозлар сотиб олиш ва ходимларни моддий рағбатлантириш ишларига йўналтириляпти. Шунингдек, марказ қошида протез-ортопедия корхонаси мавжуд.



Дастлаб ишни марказлардаги имкониятларни, муаммоларни ўрганишдан бошладик.

— Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, ҳукуматимиз, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, турли ташкилотлар бизга яқдиллик билан ёрдам берди, энг аввало моддий таъминот яхшиланди. Натижада, марказимизнинг 11 та биноси капитал таъмирланди. 2007 йилда марказга ҳукуматимиз томонидан яна 82 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Марказнинг яна 6 та иншоотини таъмирлаш эса ҳомийлар, жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, шунингдек, тадбиркор ҳамюртларимиз томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилди, — дейди марказ раҳбари Турсунмурод Эшиев.

Халқимиз ҳамиша савобталаб. Ёш бир тадбиркор йигит келиб, Марказнинг 2-клиникаси ортопедия бўлимида ногиронларга 3 миллион сўмлик кийим-кечак тарқатди. Дастурхон ёзиб, кўнгли ярим беморлар кўнглини тоғдай кўтарди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий марказнинг вилоятларда 50 ўринга мўлжалланган 10 та ҳудудий реаблитация марказлари фаолият кўрсатяпти. Ҳудудий реаблитация марказлари қошида бош протезлаш-ортопедия корхонасининг филиаллари ҳам бор. Олдинлари ногиронлар вилоятлардан овора бўлиб келиб, протез маҳсулотига буюртма беришарди. Ҳозир эса барча протез маҳсулотлари филиал мутахассислари томонидан тайёрлаб берилмоқда.

Баъзан ногиронларнинг яқинлари протезларнинг нарх-навоси билан қизиқадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалдаги тартибда жойларда ногиронлик белгиланиб махсус талон берилган фуқаролар протез маҳсулотлари билан бепул таъминланадилар.

Марказ директори Германиядаги нуфузли реаблитация клиникаларида икки марта бўлиб қайтди. Ҳамкорлик натижасида марказнинг протез-ортопедия корхонаси немисларнинг андозаси бўйича ишлай бошлади. Аммо маҳсулот сифатига бўлган талаб, рақобат ҳам тобора ортиб боряпти. Ғарб давлатларида ногирон маҳсулотнинг ноқулайлигидан шикастланса, протез-ортопедия корхонасига катта миқдорда жарима солинади.

Марказнинг илмий салоҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, 4 нафар тиббиёт фанлари доктори, 8 нафар фан номзоди, 10 нафар олий тоифали ва бошқа кўплаб тиббиёт ходимлари ногиронларга малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бир неча йилдирки, марказда Жанубий кореялик мутахассислар билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиляпти. Икки нафар ёш мутахассис Буюк Британиядаги нуфузли клиникаларда, иқтидорли ёш шифокор Комилжон Донаев эса «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кўмагида Жанубий Кореяда малакасини ошириб қайтди.

Марказда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тиббий меҳнат экспертизаси кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугун республикамизнинг турли ҳудудларидан келган соҳа мутахассислари кафедрада малака оширмоқдалар.

Дунё тиббиётида бугун замонавий жарроҳлик яъни атравоматик усул кенг қўлланиляпти. Бинобарин, айни пайтда марказнинг жарроҳлик бўлими мутахассислари атравоматик, яъни беморнинг танасига тиғ текказмасдан, шикастланган аъзосига пункцион йўл билан «кириш» амалиётини бажаришни ўрганмоқдалар.

Шу ўринда яна бир гап, кўпинча одамлар умуртқа поғонаси каналида орқа миянинг қисилиши, жароҳатланиши туфайли ногирон бўлиб, тўшакка михланиб қолади...

— Ҳозир биз мана шу тоифадаги беморларни муолажа қиляпмиз, — дейди умуртқа поғонаси патологияси касалликлари бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори Алишер Сатторов. — Бўлимимизда йилига 1000дан ортиқ умуртқа поғонасида диск чурраларини жарроҳлик-консерватив йўл билан даволаш амалиёти бажарилади.

— Миллий марказга жуда оғир аҳволда келган эдим, — дейди Кумқўрғон туманида яшовчи Бахтиёр Саломатов. — Оилалиман, 4 нафар фарзандим бор. Умуртқа чурраси туфайли оёқ-қўлларим ишламай қолди. Қирчиллама 40 ёшда шифтга қараб ётиш азобини ҳеч кимга раво кўрмайман.

Жарроҳлик муолажасидан сўнг юришга қайтадан ўргатишди. Мен билан психологлар ишлаб, ҳаётга бўлган ишончимни қайтадан тикладилар. Мана, кўриб турибсиз, юраяпман. Менда ҳаётга қайта умид уйғотган дўхтирлар — Алишер Сатторов, Баҳодир Сафаров, Олим Саидмуродовлардан бир умр миннатдорман.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

— Ногирон инсоннинг соғлиғини тиклаш учун, — дейди бўлим ординатори, ёш мутахассис Баҳодир Сафаров — аввало, беморнинг руҳиятини кўтариш, кўнглида эртанги кунга умид, ишонч уйғотиш жуда муҳим. Яқинда Украинанинг Харьков шаҳридаги травматология ва ортопедия институтида бир ой малака ошириб қайтдим. Бизнинг соҳада тинмай изланиш, ўрганиш керак. Бўлимимизга келганларни «Сиз беморсиз, муолажадан сўнг оилангизга, иш жойингизга қайтасиз...» дея ишонтирамиз.

Яқинда Хоразмдан келган Қадамбой деган йигитни операция қилдик, автоҳалокатга учраб бўйнидан жароҳат олган, 9 ой тўшакда михланиб ётган. Вилоятда бирламчи жарроҳлик амалиёти бажарилган, бўлимимизда иккиламчи олди ёнбош томонидан мураккаб операция ўтказдик, суньий мослама — «Кейже» қўйдик. У уч ойдан кейин қўлтиқ таёқда юриб кетди...

Реаблитация марказида ногиронларни касб-ҳунарга ўргатиш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳам кўп ишлар қилиняпти. Айниқса, компьютерда дастурлар яратиш, тадбиркорлик, тижорат билан шуғулланиш борасида яхши натижаларга эришилмоқда.

Марказ ходимлари орасида Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ногиронларнинг манфаатлари, соғлиқларини муҳофазалаш партиямизнинг асосий йўналишларидан. Зеро, электоратимиз манфаатларини ҳимоялашга марказ жамоаси, партиядошларимиз бу эзгу ишга ўз улушларини қўшиб келмоқда.

Директор биз билан суҳбатда шундай ҳаётий фалсафани айтди: «Ногирон инсоннинг кўнглини кўтариш, келажакка ишонч туйғуларини дилига жо этиш, оқибат кўрсатиш орқалигина уларни дарддан фориғ этамиз. Одамзод эзгуликка интилса, ҳаётига нур энади. Аслида, умр нури — кўнгил ободлигида...»

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *миллий марказнинг директори Турсунмурод Эшиев бир гуруҳ тиббиёт ходимлари билан иш устида; умуртқа поғонаси касалликлари бўлими ординатори Баҳодир Сафаров, олий тоифали врач Олим Саидмуродовлар навбатдаги тиббий муолажада; асаб касалликлари бўлимининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач Нигора Турсунованинг иш фаолиятидан лавҳа.*

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ҚУВОНЧГА ШЕРИК БЎЛИШ ОСОН...

Мана уч йилдирки, Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари ишлаб келади, улар электорат билан ҳамкорликни такомиллаштириш борасида ибратли ишлар қилмоқда. Фуқароларни қабул қилиш, уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш, муаммоларини ҳал этиш, амалий ёрдам кўрсатиш партия хайрихоҳлари кўпайишига хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳар ва ҳудуддаги туман кенгашлари ҳузурида ҳам 13 та Жамоатчилик қабулхонаси мавжуд. Улар фаолиятида маълум тажриба тўпланди.

Жамоатчилик қабулхоналарига нафақат партия аъзолари, балки электорат вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар тез-тез мурожаат қилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қабулхоналарга турли масала билан 314 нафар фуқаро келган бўлса, 233 ҳолатда партия кенгашлари саъй-ҳаракати билан муаммо ижобий ечим топган.

Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарияти коммунал-хўжалик хизмати ҳамда ижтимоий масалага тааллуқли. Ўтган давр мобайнида бу соҳа билан боғлиқ 76 та, иш билан таъминлашда ёрдам сўраб 55 та, ижтимоий масала ва соғлиқни сақлаш юзасидан 44 та, моддий ёрдам сўраб 21 та, халқ таълими соҳасига доир 17 та, ер олиш масаласи бўйича 11 та, кредит ажратиш юзасидан 6 та ва бошқа масала билан 87 та мурожаат тушган.

Жамоатчилик қабулхонасида ишни самарали ташкил этиш бўйича Бектемир, Собир Раҳимов, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод ва Яккасарой туман кенгашлари томонидан олиб борилаётган амалий фаолият эътиборга лойиқ. Бу туманлардаги қабулхоналарга мурожаатлар сони ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, фуқароларнинг партиямизга ишончи ва ҳурмати мустаҳкамланаяпти.

Бектемир туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ишга жойлашишда ёрдам сўраб мурожаат этган фуқаролар М.Болтаева ва Д.Каликуловага амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада электоратимиз вакиллари ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлишди. Собир Раҳимов туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига Д.Исҳоқов иссиқлик тизимидаги муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўраб келган. «Зиёкор» уй-жой мулкдорлари ширкати ёрдами билан бу масала ижобий ечим топди. Сергели туманидаги қабулхонамизга Сергели-2 мавзесида жойлашган 236-болалар боғчаси биноси томини таъмирлаш ҳақидаги ота-оналар мурожаати ҳам ҳомийлар кўмаги билан ҳал этилди. Учтепа туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига «Ватанпарвар» маҳалласида истиқомат қилаётган вақтинча ишсиз, ёлғиз она касал фарзандини даволатиш учун қийналиб қолгани сабабли мурожаат қилган. Партия кенгаши илтимосига асосан шаҳар Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси раҳбарияти бу масалада ёрдам кўрсатди.

Бундай мисолларни Тошкент шаҳрининг бошқа туман кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, фуқароларнинг баъзи мурожаатларида кўтарилган масалаларни ечишда фаолларимиз, партия кенгашларининг ваколати етмаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу борада туман партия кенгашлари тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар, ЎзХДП депутатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши талаб этилади. Электоратимиз ва хайрихоҳлар умид ва ишонч билан Жамоатчилик қабулхонаси эшигини қоққанда, уларни қўллаб-қувватлаш ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг учун имкониятларни кенгайтириш муҳим, албатта. Бировнинг қувончига шерик бўлиш осон, қийналганни қўллаш эса меҳнат ва машаққатни талаб этади. Лекин бу хайрли ва савобли иш.

Асли КАМОЛ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши, туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида хайрия тадбири ташкил этилди. Унда 200 нафар кам таъминланган оила аъзолари, қаровчиси бўлмаган кексалар, пенсионер ва ногиронлар иштирок этишди. Тадбирда асосий эътибор уларнинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилди. Шунингдек, туманнинг 12 та маҳалласида мана шундай фуқароларга эсдалик совғалари улашилди.

ЎзХДП Яккабоғ туман кенгаши томонидан Янгиобод, Фурқат, Хўжаилғор, Жайчи, Жамбул маҳалла фуқаролар йиғинларида «Жамият ривожида маҳалланинг роли» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирларда БПТ, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари шу масала юзасидан фикр юритдилар. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Азизов маҳалла фуқаролар йиғинлари, партия қуйи бўғини билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят Кенгаши вилоят Адлия бошқармаси, Урганч шаҳар прокуратураси ҳамкорликда Туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида давра суҳбати ташкил этди. Унда Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.Тўраев, Урганч шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Отажоновлар Конституция барча ҳуқуқларимизнинг асоси эканига эътибор қаратдилар. Шунингдек, ёшлар бу ҳуқуқлардан онгли ва самарали фойдаланишлари лозимлиги таъкидланди. Тадбир иштирокчилари одам савдосига қарши кураш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, олдимизда турган вазифалар ҳақида ҳам фикрлашди.

ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши Урганч шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей талабалари иштирокида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркинликларини қонун доирасида мустаҳкамлангани, ёшларнинг таълим олишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилгани ҳақида сўз юритилди.

— Давра суҳбати фойдали бўлди, — дейди лицей талабаси Камола Тўраева. — Мана шундай учрашувлар натижасида биз атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қиламиз ва ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб оламиз.

Урганч шаҳридаги Нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежида «Огоҳликка даъват» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда шаҳар партия кенгаши раиси С.Ботирова инсон ҳуқуқлари, давлатимиз томонидан ёшларга яратилган имкониятлар, ёш авлод ундан оқилона фойдаланиб, ҳунар эгаллаши ва жамият ривожига ҳисса қўшиши кераклиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш жараёнида ЎзХДП устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси Д.Азизхўжаев 1755 нафар аъзони, 75 бошланғич ташкилотни бирлаштирган шаҳар партия ташкилоти ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлар ҳақида тўхталди. Иштирокчилар ёш партия аъзолари ва электорат билан олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашди.

Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, «Ўзбеккимёмаш» АЖ, вилоят акушерлик ва гинекология маҳмуаси, 15-маҳалла бошланғич партия ташкилотларида ҳам худди шундай семинарлар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан депутатлар ва партия фаоллари халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу жараёнда партия ташкилотларининг иштироки ҳақида фикр юритдилар.

ЖАМИЯТ РИВОЖИДАН БАРЧА МАНФААТДОР

Шунинг учун ҳам бу борада турли ғоялар илгари сурилади, таклифлар ўртага ташланади, сиёсий кучлар ўртасида кураш боради

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда сўзга чиққан Нукус шаҳар партия кенгаши раиси Саденбай Нурманов кейинги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, бунда партия фаолларининг иштироки ҳақида сўз юритди. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, демократик жамият барпо этишда фаол қатнашиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Йиғилишда сўзга чиққанлар буни алоҳида таъкидладилар.

Ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги масалалар партия ташкилотлари томонидан мониторинг қилинмоқда. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан банд қилиш, меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлик даражасини ошириш юзасидан таклифлар тайёрланди. Бу ҳаракат партиямизга эътибор ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Акс-садо

ВАҚТ ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Отамнинг айтишича, хонадонимизда азалдан китобга ўзгача ҳурмат, ихлос бўлган. Бобом ўз фарзандларига панднасиҳат қилиш ўрнига ибратли ҳикоялар, ривоятлар, мақол ва маталлар айтиб берарканг. «Ўғлим, нон қандай азиз бўлса, китоб ҳам шундай. Нон қорнингни тўйдирса, китоб қалбингни бойитади», — дер экан.

Ота-онамнинг тарбияси билан биз ҳам китобга меҳр қўйиб ўсдик. Улғайган сайин бир нарсани чуқурроқ англаб бораяпман. Оиламизда ҳар бир кишининг мустақил фикри бор. Ўзгаларнинг фикри, хатти-ҳаракати орқасидан кўр-кўрона эргашмайди. Бирор масалада ҳулоса чиқаришда ўз нуқтаи назарини баён этади. Бу — китоблар олами билан дўстликнинг, донолар, мутафаккирлар, олимлар мероси, ҳаётий ҳақиқатларни ўқиб-ўрганишнинг таъсири бўлса керак.

«Ўзбекистон овози» газетасида 27 ноябрь куни эълон қилинган «Компьютер тараққиётми ёки таҳдид?» сарлавҳали мақолани ўқиб, юқоридаги фикр яна бир бор кўнглимдан ўтди.

Ишончим комилки, китобларнинг сеҳрли дунёсига ошно бўлган одам ҳеч қачон енгилелпи, кўнгилочар овунчоқ ва томошаларга вақт сарфламайди. Мен бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳасида компьютернинг тутган ўрни, унинг тараққиёт йўлидаги беқиёс аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, яхши билан ёмонни, фойда билан зиённи фарқлайдиган ёшлар соатлаб бир хил ўйинни такрор-такрор ўйнаб ўтириши, умрини елга совуришини тасаввур қилолмайман. Бундай одамлар нимадан қандай фойдаланишни яхши билади. Аммо, кейинги вақтда айрим ёшлар компьютернинг зарарли таъсирига тушиб қолаётгани ҳам сир эмас. Мен ҳар нарсадан ўз ўрнида фойдаланиш зарур деган фикрни илгари сурмоқчиман.

Инсоният дастлаб оғзаки ижод намуналарини яратиб, кейин ёзма меросни қолдира бошлаганига неча минг йил бўлди. Шу давр ичида адабий, бадиий, илмий меросни қадр-қиммати авлодлар оша юксалиб келди. Улар ўқувчини эзгуликка етаклайди. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният ҳаётига кириб келган компьютернинг ижобий томонлари билан бирга, салбий таъсири ҳам оз эмас, бу ҳақда олимлар ёзган хулосалар йиғилса, қалингина китоб бўлади.

Ўз фарзандига компьютерда ўйнаш учун имкон яратаётган ота-она ўғил-қизини китоб ўқишга, илм олишга ундаса, ҳаётни севишни, вақтни қадрлашни, дунё гўзалликларидан баҳраманд бўлишни ўргатса, бекорчи ўйин деб улар қимматли вақтини бой бермаган бўлар эди.

Зиёда СОДИҚОВА,
Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси

ЗИЁ МАСКАНИ

Президентимизнинг Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш ҳақидаги қароридан кейин Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти кутубхонаси негизида Ахборот-ресурс маркази ташкил қилинган эди. Биз шу марказ директори Қаршига НАУРИЗБАЕВАга мурожаат қилиб, мазкур муҳим ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўрадик.

— Институтимиз негизида Ахборот-ресурс маркази (АРМ) ташкил қилингач, Нукус шаҳар марказий кутубхонасига қарашли 5-6-тармоқ марказ балансига ўтказилди ва 2007 йилда тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилди, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозирги кунда марказ 146 минг 242 нусха китоб фондига эга. Шунингдек, бу масканда 5 та китоб бериш бўлими, 3 та компьютер хонаси, электрон кутубхона, 6 та ўқув зали бор. Марказ профессор-ўқитувчилар ва талабаларга, институт қошидаги академик лицей ўқувчиларига, шу атрофдаги мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига, маҳалла аҳлига ахборот хизмати кўрсатмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг умумий китоб фонди сўнгги уч йилда салкам йигирма минг донага кўпайди. 2008 йилда 159 номда 6 миллион 360 минг сўмлик адабиётлар олинди, 2009 йил учун 136 номда 7 миллион 100 минг сўмлик газета ва журналларга обуна бўлдик.

Талабалар ва профессор-ўқитувчиларни янги олинган адабиётлар билан таништириш мақсадида ҳар ойда бюллетень ва каталог тайёрланиб факультет ва кафедраларга тарқатилади. АРМ «Kartoteka» электрон қидирув каталогига 12 минг 135 номдаги китоб ҳақида маълумот киритилган.

Ўқув адабиётлари бўйича мониторинг ўтказилиб етишмайдиган кам нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларидан 122 таси ксерокопияда кўпайтирилди ва 973 номдаги адабиётларнинг электрон версиялари янги маълумотлар билан тўлдирилди.



Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: ахборот-ресурс маркази фаолиятидан лавҳалар.

✓ Ислоҳот чорраҳаларида

«PLATTAS» — ЎЗИГА ХОС ШЎЪБА КОРХОНА, «KASHIF» — УНИНГ ИЗДОШИ

яқинда бу корхонада қурилиш учун энг зарур маҳсулотлардан бири — гипсли картон лист ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади

Ўзига хос деганимизнинг маъноси шуки, корхона ташкил этилган давр — 1997 йилдан буён асосан халқ истеъмол моллари (шакар, ёғ, дори-дармон, маиший хизмат жиҳозлари ва ҳоказолар)ни четдан импорт шаклида олиб келарди. 1998 йили «Pahnamo» масъулияти чекланган жамият билан ҳамкорликда чой қадоқлаш линияси ишга туширилди, 1999 йили эса писта ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди...



Иқтисодиёт ислоҳоти чорраҳаларида нималар бўлмайди дейсиз? Бозор ва ундаги рақобат изланишга, интилишга даъват этади. «Plattas» ҳам ана шундай изланиш, интилиш йўлидан борди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги линиялар очиш ва маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда, эҳтиёжталаб маҳсулотлар тайёрлашга ўтди. Жумладан, у сўнгги йилларда қурилиш учун энг зарур материаллардан бири — гипсли картон лист ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қўйишни ният қилди.

✧✧✧

Республикамизда гипсли картон листга талаб жуда катта. Уни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналар 6 та бўлиб, улар йилига 9-10 миллион квадрат метргача маҳсулот тайёрлашмоқда. Ҳолбуки, мамлакатимизда унга йиллик эҳтиёж 35 миллион квадрат метр атрофида. Боз устига, мавжуд корхоналар маҳсулот хомашёсининг асосий қисмини четдан келтираётгани учун анчагина сарф-харажатга тушмоқдалар...

Шундан келиб чиқиб, «Plattas» хомашё турларини маҳаллийлаштиришга ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманида гипсли картон лист ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Kashif» номли янги корхона очишга киришди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳудудидаги гипс тошлари карьерларида ўз тармоқларини ташкил этди. Ҳозир биргина Бухоронинг ўзида унинг 20 гектарлик карьери бор. Бу ерда гипс тошлари қайта ишланиб (майдаланиб), кукун ҳолига келтирилгач, корхонада гипсли картон лист тайёрланади. Ҳатто, ҳозироқ Бухорода гипсли тош кукунларидан бошқа хил қурилиш материаллари (аралашмалар) тайёрлаб сотиш ўзлаштирилди. Бир кунда 220 тоннагача гипс увоғи ишлаб чиқарилмоқда.

«Plattas» издоши — «Kashif»нинг келажаги порлоқ. У ҳозиргача мавжуд турдош корхоналар ишлаб чиқараётган йиллик 9-10 миллион квадрат метр гипсли картон листни келгусида бир ўзи тайёрлаш салоҳиятига эга. Йиллик қуввати 10 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлашга етади.

ИЗОҲ: Хўш, гипсли картон лист нима ўзи? — деган савол туғилади.

У композит материал бўлиб, тўғри бурчакли лист кўринишида ишлаб чиқилади. Листнинг узунлиги 2 метрдан 4,8 метргача, эни эса 0,6 ёки 1,3 метргача етади, ҳам эгилувчан, ҳам қаттиқ, мустаҳкам материал. Ишлаб чиқарувчилар гипсли картон листни буюртма асосида ностандарт ўлчамларда ҳам тайёрлаб бериши мумкин.

Гипсли картон листнинг бир неча тури мавжуд. У намликка чидамли, ўтга бардошли. Шунингдек, полни қоплашга мўлжалланган хили ўта мустаҳкам. Материалнинг асосини гипс ташкил этади. Ташқи юзаси 2 томондан картон билан қопланган. Гипс ўзаги чидамли, пишиқ бўлиши учун унга махсус компонентлар — қўшимчалар қўшилган. Гипс юзасидаги картон (сувоқ, гулқоғоз, бўёқ, керамик плиткадан фойдаланиб) турли безаклар солишга қулай. Қолаверса, гипсли картон лист билан қопланган деворга гулқоғоз ёпиштириш ёки бўяш, керамик плиткалар қоплашга ҳожат қолмайди. У деворлар ва пардеворларни кўтариш, шунингдек, деворларга пардоз беришдан аввал уларнинг сиртини қоплаш ҳамда осма шифтлар ўрнатиш каби ишлар учун мўлжалланган қурилиш материали. Айни пайтда девор нуқсонларини (нотекис жойларини) яширишда ҳам гипсли картон лист қўл келади. Девор етарлича иссиқ тутмайдиган бўлса, гипсли картон лист билан буни ўнглаш мумкин.

Баъзан уйлар ёки офислар хоналарини иккига ажратишга эҳтиёж туғилади. Бундай пайтда хоналар ўртасига девор ўрнатишда гипсли картон листдан қулай восита йўқ. Девор нафақат пишиқлиги билан, балки исталган вақтда уни олиб ташлаш имконияти мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради.

Эътиборли жиҳатларидан бири — гипсли картон листга хоҳлаган дизайнерлик ғоянгизни киритишингиз мумкин. Дизайнер листга исталган шакл (гумбаз, қубба қоплама, устун, турли кўринишли арка, оддий юзадан мураккаб кўринишдаги юза қоплама) бериш имконига эга.

Сўнгги вақтларда гипсли картон лист таркибига замбуруғларни бартараф этувчи махсус моддалар ҳам қўшилмоқда. Бундай материаллар ошхона, ванна ва сауналарни безашда қўлланилади. Ноёб жиҳатларидан яна бири — у «нафас олади» — хонада намлик юқори бўлса, намликни ютади, хона ҳаддан зиёд қуруқ бўлса, аксинча, ўзидан намлик ажратади. Экологик тоза материал. Токсик — заҳарли қўшимчалардан холи. Демак, инсон саломатлиги, унинг иш ва ҳаёт фаолиятига жуда фойдали...



✧✧✧

«Kashif»да гипсли картон лист тайёрлашга мослашган техника ва технологиялар бугун-эрта ишга тушиш арафасида турибди. Завод тайёр. Тармоқ тахт. Илғор технологиялар билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш усуллари ва маҳсулот ҳажмининг юқорилиги бўйича Марказий Осиёда ягона, янги корхона ҳукуматимизнинг инвестицион дастурлари тўпламига кирган «PLLATTAS»нинг лойиҳаси маҳсулидир. Уни қуриш ва ишга тушириш учун зарур бўлган сармоянинг бир қисмини «Platinum Partners Lnc» (АҚШ) корпорацияси, бир қисмини шўъба корхонасининг ўзи кўтарди. Етмаган жойига республика саноат-қурилиш банкидан кредит олинди. Гипсли картон лист ишлаб чиқаришга мўлжалланган махсус замонавий тармоқлар хориждан келтириб ўрнатилди. Корхона жамоаси ўз маҳсулотларини нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорга — экспортга ҳам чиқаришни кўзда тутган. Ҳозир Россия, Туркманистон, Афғонистон сингари мамлакатлар билан шартномалар тузилаяпти.

Бундан ташқари, корхонада яқин вақт ичида бошқа хил қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқариш бўйича навбат кутиб турган лойиҳалар бор. Масалан, суюлтирилган аралашмалар ва «пенаблок» каби қурилиш ашёлари тайёрлаш лойиҳаси Нуробод посёлкаси (Ангрен)да амалга оширилиши кўзда тутилган. Қорақалпоғистонда цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда...

✧✧✧

Ислоҳот чорраҳаларида замон зайлига ва бозор иқтисодиёти муносабатларига тезда мослашиб, янги техника ҳамда технологияларни жорий этишга, модернизацияни кенг кўламда олиб боришга, пировардида, янги-янги рақобатбардош маҳсулот турлари тайёрлашга интилаётган «Plattas»да чой қадоқлаш линияси ҳам ишлаб турибди. Дўконларимиз пештахталарида харидорлар томонидан севиб харид қилинаётган «Реал» русумли қадоқланган чой айнан «Plattas»чилар маҳсулоти. Хуллас, бугунга келиб, улар ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги турларини ўзлаштираётгани ва ишлаб чиқаришни кенгайтираётгани — бетиним изланиш ҳамда интилиш самарасидир.

Айтиш керакки, «Plattas» ўз йўлини танлаган, тараққиёт сари интилаётган ўзига хос шўъба корхона. «Kashif» эса унинг изидан парвозга шай.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

ТУРКМАНИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

Туркманистонда парламент сайлови бўлиб ўтди. Расмий маълумотларга кўра, унда сайловчиларнинг 93,87 фоизи иштирок этган. «РИА Новости» хабар беришича, парламентдаги 125 ўрин учун 288 номзод даъвогарлик қилган. Депутатлар бир мандатли округлар бўйича беш йил муддатга сайланишади.

ЖОРЖ БУШ АФҒОНИСТОНДА

АҚШ президенти Жорж Буш якшанба оқшоми Афғонистоннинг Қобул шаҳрига фавқулодда ташриф буюрди. У мамлакат пойтахтининг шимолида жойлашган «Баграм» базасида америкалик ҳарбийлар билан учрашди, сўнг Афғонистон президенти Ҳамид Карзай билан музокара олиб борди. Айтиш керакки, бу Жорж Бушнинг президентлик давридаги Афғонистонга иккинчи ташрифидир.

АҚШ президенти Қобулга ташрифи олдидан Бағдодда ҳам бўлиб, Ироқ бош вазири билан бирга матбуот анжумани ўтказди. Маълумки, Ироқ билан Афғонистонда АҚШ ҳарбий кучларининг катта қисми фаолият кўрсатади, табиийки, сиёсий муаммолар ҳам шунга яраша.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР

Таиландда мухолифат вакили Абхизит Вейжажив сайловларда ғолиб чиқиб, бош вазир сифатида иш бошлади. AFPнинг хабар беришича, парламентнинг 235 аъзоси Вейжажив учун овоз берган. Собиқ ҳукмрон халқ ҳокимияти тарафдорлари қўллаб-қувватлаётган Прача Промног 198 нафар парламент аъзосининг овозини олган.

Маълумки, Таиланднинг аввалги бош вазири Сончат Вонгсават Конституциявий суднинг 2 декабрдаги қарорига мувофиқ лавозимидан олиб ташланган эди. Бундан сал олдин — сентябрь ойида амалдаги бош вазир Самак Сунтаравет ҳам Конституциявий суд томонидан ишдан четлатилган эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам 2006 йили ҳарбий тўнтариш туфайли ишдан кетган собиқ бош вазир Танскин Чинаватнинг ғояларини қўллаб-қувватлаганликда айбланган. Вонгсават истеъфосидан сўнг мухолифлар 25 ноябрга қадар қамал этиб келган аэропортлардан чиқиб кетишди. Бу шу йил августда бошланган сиёсий тангликка якун ясади.

ФАЛОКАТ

Филиппин шимоли-шарқида салкам 100 йўловчини олиб ўтаётган ёғоч паром чўкиб кетган. АР агентлигининг маълум қилишича, фалокат натижасида 22 киши ҳалок бўлган, 34 киши дом-даракси йўқолган. Ноқулай об-ҳаво шароити боис қидирув ишлари қийин кечмоқда. Бу ўлкада шунга ўхшаш ҳодисалар тез-тез рўй беради. 1987 йилнинг декабрида «Донья Пас» пароминнинг танкер билан тўқнашуви оқибатида тўрт юздан ортиқ йўловчи ҳалок бўлган эди.

ЯЙПАНДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Яйпан шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 30 та корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа хўжаликлар 117 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан рўйхатга олинган 32 нафар фуқародан 22 нафари доимий иш ўринлари билан таъминланди. Улар орасида касб-ҳунар коллежларини битирган талабалар ҳам бор.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ қишлоғидаги Абу Али ибн Сино номидаги санаториянинг ётоқхона корпусини реконструкция қилиш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон КУФК Капитал қурилиш бошқармасининг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Мўйноқ 4-берк кўчаси, 15-«а» уй, телефон: (8371) 298-68-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона,
тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.***

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда мактаблар учун қўшимча бинолари билан қурилиши мўлжалланган қуйидаги спортзал иншоотларига пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Лот №1:

1. Ғузор тумани, Қумчўп қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 29-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
2. Деҳқонобод тумани, Тоғайтемир қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 5-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
3. Қамаши тумани, Қоратепа қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 74-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
4. Касби тумани, Майманак қишлоғидаги 12х24 м. ўлчамли 4-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
5. Яккабоғ тумани, Бешкапа қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 101-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.

Лот №2:

1. Чироқчи тумани, Баҳористон қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 32-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
2. Косон тумани, Ушоқтепа қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 72-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
3. Қамаши тумани, Бердали қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 43-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
4. Китоб тумани, Бектемир қишлоғидаги 12х24 м. ўлчамли 21-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
5. Қарши шаҳридаги 12х24 м. ўлчамли 12-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.

Лот №3:

1. Ғузор туманидаги 12х24 м. ўлчамли 55-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
2. Қарши туманидаги 12х24 м. ўлчамли 26-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
3. Қамаши тумани, Пастараб қишлоғидаги 12х24 м. ўлчамли 67-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
4. Чироқчи туманидаги 9х18 м. ўлчамли 93-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
5. Касби тумани, Байдоқчи қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 11-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.

Лот №4:

1. Ғузор тумани, Халқобод қишлоғидаги 12х24 м. ўлчамли 71-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
2. Китоб тумани, Дўрмон қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 24-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
3. Чироқчи тумани, Галабек қишлоғидаги 9х18 м. ўлчамли 50-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
4. Шаҳрисабз тумани, Занги қишлоғидаги 12х24 м. ўлчамли 24-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
5. Чироқчи туманидаги 9х18 м. ўлчамли 110-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.
6. Қарши шаҳридаги 12х24 м. ўлчамли 44-сонли мактаб учун ёрдамчи бинолари билан спортзал қурилиши.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

➔ етарли касбий ва техникавий малакага;
➔ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
➔ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
➔ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
➔ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Даварҳитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 224-05-24.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

✓ Учрашув

1-Тошкент педагогика коллежи мамлакатимиздаги нуфузли ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Бугун ушбу масканда 2518 нафар ўқувчи бошланғич таълим, жисмоний тарбия, меҳнат таълими, логопедия ва логопед тарбиячи йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 168 нафар ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бермоқда. Ўтган ўқув йилида коллежни тамомлаган 727 нафар ёшнинг барчаси эгаллаган ихтисослиги бўйича фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида пойтахтимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари билан илмий ва амалий ҳамкорлик ўрнатилган.

БЎЛҒУСИ МУАЛЛИМЛАР МАСКАНИДА

ўтган самимий мулоқот Ватан, мустақиллик, унинг қадр-қиммати, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка бағишланди

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ёшлар йилида коллеж талабалари ташаббуси билан Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалласи ҳудудида «Бунёдкор ёшлар майдонча»си ташкил этилди. 600 метр² майдондаги ушбу жой бугун ёшлар билан гавжум. Билим юрти ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Педагог-кадрлар тайёрлашга ихтисослашган мазкур илм даргоҳида Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Республикада хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов иштирокида билим масканида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Тадбирни коллеж директори, профессор Шавкат Қурбонов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида, жумладан, шундай деди:

— 2007-2008 ўқув йилида коллежимизда катта ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бунинг учун давлат бюджетидан 2,8 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу каби бунёдкорлик ишларини юртимизнинг ҳар бир гўшасида учратиш мумкин.

Элимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов мустақилликнинг моҳияти ва аҳамияти, унинг қадр-қиммати, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, бунинг натижасида фарзандларимиз эришаётган оламшумул ютуқ ва ғалабалар, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритди. Унинг янги шеърларини ёшлар гулдурос қарсаклар билан қарши олишди. Шундан сўнг шоир Рустам Мусурмон ўзининг бахшиёна шеърларидан ўқиб берди.

Мазкур тадбир Давлат мадҳияси қабул қилинган кунда ўтказилгани боис унинг муаллифига ўқувчи-ёшлар мадҳиянинг яратилиш тарихи билан боғлиқ саволлар билан мурожаат этишди. Шоир бу ҳақда йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Жонимқул ТЎРАЕВ, коллеж она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:

— Менимча, бугунги учрашувда қатнашган ҳар бир ўқувчи Ватан озодлиги, миллат маънавияти, ёшлар тарбияси ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлди. Мана шу муқаддас тамойиллар мазмун-моҳиятини яна бир бор англаб етишди. Ёшларимизнинг мамлакатимиз истиқлолини кўз қорачиғидек асраб-авайлашлари ва қадр-қимматини чуқурроқ тушунишларида мана шундай учрашувларнинг ўрни беқиёс. Тадбиримизда Абдулла Ориповнинг иштирок этганлиги эса, шубҳасиз, ёшларимиз учун унутилмас воқеа бўлди.

Муштарий ШОМУҲАМЕДОВА, коллеж II босқич ўқувчиси:

— Давлат мадҳияси муаллифи билан учрашиб, суҳбатлашдик, янги шеърларидан баҳраманд бўлдик. Энг муҳими, мана шу тадбирдан ўзимга кўп хулосалар чиқариб олдим. Журналист Сафар Остонов тенгдошларимиз халқаро спорт майдонларида, илм-фан, санъат, адабиёт соҳасида қўлга киритаётган тарихий ютуқлари ҳақида гапирганда, очиғи, жуда руҳланиб кетдим. Эндиги ўқиш ва ишларимда мамлакатимиз умиди, миллат ғурури ҳисобланган мана шундай ёшларга ўхшаш учун интилиб яшайман.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *(юқорида) ўқувчиларнинг саволлари кўп бўлди; (қуйида) Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ёшлар даврасида.*

✓ Муайтай

ЧЕМПИОНЛАР – ВАТАННИНГ ИФТИХОРЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз илм-фан, санъат, хусусан, спорт соҳасида дунё майдонларида ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён этиб келишмоқда.

Бугун ёшларимиз ўртасида оммавий спорт турлари қаторида каратэ, таэквондо, хапкидо, жет-куне-до, кемпо, шотокан, у-шу, универсал жанг, кикбоксинг, муайтай каби шарқона яккакурашларга ҳам қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Бу спорт турларини дунёнинг 103 мамлакати спорт федерациялари аъзо бўлган Бутунжаҳон жанговар санъатлар уюшмаси ўзида бирлаштирган. Бош қароргоҳи Германияда жойлашган мазкур ташкилот юқорида тилга олинган спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштиришга кўмаклашиш билан шуғулланади.

Ўзбекистонда шарқ яккакурашлари фаолиятини мувофиқлаштириб борадиган Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика марказининг тузилганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин марказ қисқа давр ичида жаҳон ва қитъа чемпионатларини юқори савияда ташкил этиш, федерацияларни қўллаб-қувватлаш борасида эътиборга лойиқ ишларни амалга оширди.

Баъзан эшитиб қоламиз: хапкидо, жет-куне-до, кемпо, шотокан ва бошқа шу сингари спорт турлари бўйича алоҳида федерация тузиш, уларни ривожлантириш, мусобақалар ўтказиш шартми?

Маълумки, мамлакатда спорт тури қанчалик кўп бўлса, шуғулланувчилар сони шунчалик ортади. Қолаверса, қайси тур бўлишидан қатъи назар, спортнинг оммавийлик касб этиши соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим омили саналади.

Мисол тариқасида муайтайни олиб кўрайлик. Бу спорт тури бўйича юртдошимиз Эркин Кутибоев эришган ғалабалар бутун дунёга достон бўлгани барчамизга маълум. Паҳлавон йигитимизнинг беқиёс ютуқлари халқимизга катта ғурур бағишлабгина қолмай, унинг минглаб издошлари етишиб чиқишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Жорий йилнинг ўзида бу спорт тури бўйича эришилган ютуқлар таҳсинга сазовор. 12-19 апрель кунлари Бангкок шаҳрида ўтказилган III Бутунжаҳон яккакурашлар ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси саккиз вазн тоифаси бўйича қатнашиб, 7 та олтин ва 1 та кумуш медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса паҳлавон йигитларимизга жами тўқизта медаль тақилди.

Ана шу забардаст ўғлонлар 11-12 декабрь кунлари пойтахтимиздаги цирк биносида ташкил этилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида халқаро майдонда орттирган тажриба ва маҳоратини намойиш этишди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика маркази ҳамкорлигида ўтказилган беллашувлар қизиқарли тус олди. Боиси бу сафар жаҳон чемпиони бўлган йигитларимиз ўзаро куч синашдилар. «Ўзбекистон муайтайчилари гиёҳвандликка ва терроризмга қарши» шиори остида ташкил этилган мусобақада иштирок этган 30 нафардан зиёд спортчи орасида Ҳамдам Азимов, Ғулом Ҳалимов, Шерзод Шарипов, Беҳзод Жиянов, Нодир Абдураҳимов, Жавлон Назаров, Жасур Мирзамуҳаммедов, Шаҳбоз Азимов, Шоҳруҳ Абдувосиев, Фирдавсий Холмуродов, Артур Қодирқулов, Диёр Парпиев, Сардор Шоимқулов, Аброр Алиев ва Маҳмуд Бойназаров бош соврин соҳиби бўлди.

Маънавий бойликлар, қадриятлар давлат ва миллатнинг бебаҳо хазинаси, тараққиёт манбаидир. Гап фақат бу манбадан қандай фойдалана билишда. Чунончи, ҳар бир спортчининг юксак маънавияти, ўзлигини чуқур англаши унинг кучига куч қўшади, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ғалабалар сари етаклайди.

Озод РАЖАБОВ, журналист.

✓ Бокс

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА 5-ЎРИН

Москвада ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаларида ҳамюртларимиз 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритишди

Жаҳон кубоги боксдаги нуфузи баланд мусобақа саналади. Унга Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган боксчиларгина таклиф этилади. Москвада 22 мамлакатдан келган 88 нафар боксчи рингга кўтарилди. Улар қаторида бизнинг 5 нафар кучли боксчимиз ҳам бор эди.

Баҳодир Султонов (57), Элшод Расулов (75) бронза медаллари билан тақдирланишди. Дилшод Маҳмудов (69), Аббос Атоев (81) эса жаҳон кубогининг кумуш медалларига сазовор бўлишди. Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллашди.

✓ Футбол

ЯШИЛ МАЙДОН ҲАЯЖОНЛАРИ

«Бунёдкор» футбол клуби Исроилда ўтказиладиган Биринчи канал кубогида қатнашадиган бўлди. Шу муносабат билан «Бунёдкор»нинг янги мавсумга тайёргарлик режасига ўзгартиш киритилди. Энди бунёдкорчилар дастлаб Тошкентда йиғин ўтказади, кейин тайёргарлик Испанияда давом эттирилади ва Исроилга йўл олишади. Юртдошларимиз Биринчи канал кубогидаги илк ўйинда УЕФА кубоги соҳиби, Россиянинг «Зенит» жамоасига қарши майдонга тушишади.

Японияда клублар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ярим финал қатнашчилари аниқланди. 17-18 декабрь кунлари бўладиган ярим финал учрашувларида «Пачука» (Мексика) — ЛДУ (Эквадор) ва «Гамба Осака» (Япония) — «Манчестер Юнайтед» (Англия) жамоалари ўйнайди.

А.БЕК

✓ Миннатдорлик

«ЁРУҒ ДУНЁНИ КЎРА БОШЛАДИМ»

Илмий текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлардим. Тақдир тақозоси билан кўзим хиралаша бошлади. Бора-бора икки кўзим ҳам кўрмай қолди. Фарзандларим етаклаб юрадиган бўлди. Ўша кунларни эсласам, ҳалиям юрагим увишади.

2-Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг кўз касалликлари бўлимига мурожаат қилдим. Унгача ҳам мен бормаган шифокор қолмади. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдусамат Аҳроров ва шифокор Феруза Ўрмоноваларнинг менга кўрсатган ҳурмат-эҳтироми, қилган муомалалари туфайли, очиғи, бу ёруғ дунёни қайтадан кўра бошладим. Шифокор беморни, аввало, ширин сўзи билан даволайди, деган гап бекорга айтилмаганини дилдан ҳис қилдим. Улар кўзларимни операция қилишди. Муолажалар туфайли яқинларимни, жонажон шаҳримни, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўра бошладим.

Бу воқеани эслашимнинг боиси — Абдусамат Аҳроров, Феруза Ўрмонова сингари катта қалб эгаси бўлган шифокорларнинг борлигига шукр қилишдир. Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверакан. Инсондан фақатгина яхшилик қоларкан. Келинг, замондош, бир-биримизга меҳр-оқибат, садоқат кўрсатишни унутмайлик...

Акбар НАБИЕВ, иқтисод фанлари номзоди.

Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ» БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ БОЁВУТ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ БОЁВУТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИБ ҚУРИШ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Бошланғич нархи (20 фоиз ҚҚС билан) — 2144700,0 минг сўм.

Қурилиш муддати — 150 кун.

Буюртмачи — Боёвут пахта тозалаш корхонаси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Боёвут пахта тозалаш корхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда) кўрсатилиши ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел.: (8 3672) 27-64-84, факс: (8 3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Голос Узбекистана» газетасининг 2008 йил, 21 ноябрдаги 46-сонида берилган эълонда кўрсатилган «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Тўмарис кўчаси-1, «Реаблитация маркази қурилиши»нинг муддати — I квартал», деб ўқилишини маълум қилади.

«РОУТАХТ AUKSION» давлат унитар корхонаси

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг хатига асосан «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 471-уй манзилида жойлашган 3 қаватли 2-ётоқхона биносининг вақтинча аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Ғазалкент шаҳридаги 3-ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йил 18 июнда Шамиев Шаҳрияр Шаюзимович номига берилган U №1569739 рақамли 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Марказий Кенгаш аъзоси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раиси Давлатали Тошматовга онаси **ФАЗИЛАТХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши партия Марказий Кенгаши «Эҳтиром китоби»га номи киритилган партия фаоли **Абдулло МУЗАФФАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 22.35
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda